

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
АЖРИМИ

2024 йил сентябрь ойининг 18 куни, Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси ўз биносида, очиқ суд мажлисида,

раислик қилувчи: Б.Мамажонов,

ҳайъат судьялари: Р.Зарипов ва А.Омоновдан иборат таркибда, А.Иргашевнинг котиблигида, тарафлардан вилоят прокуратураси бўлим прокурори С.Эрматов, судланган Н.А ва унинг ҳимоячиси Б.Қодировнинг иштирокида, Н.Ага оид жиноят ишини унинг апелляция шикоятига асосан кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Боғдод туман судининг 2024 йил 20 августдаги ҳукмига кўра:

_____ туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти тугалланмаган олий, уйланмаган, муқаддам жиноят ишлари бўйича Боғдод тумани судининг 2022 йил 8 февралдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “б” банди билан 2 йил 6 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган, шу суднинг 2023 йил 19 октябрдаги ажримига кўра, ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмаган 10 ой 16 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан олдин шартли равишда озод қилинган, _____

_____га

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 130-моддаси 3-қисми банди билан 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, 60, 61-моддлари тартибида узил-кесил 5 йил 2 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Суднинг ҳукмига кўра, судланувчи Н.А интернет ижтимоий тармоғидан вояга етмаган шахслар тасвирланган бир нечта порнографик видеороликларни ўзига тегишли бўлган “Samsung Note 10+” русумли телефон аппаратининг хотирасига тарқатиш мақсадида сақлаб олиб, “Telegram” ижтимоий тармоғидаги ўзи яратган +99899-019-72-64 рақамига очилган “Nodir” номли, +99893-068-02-24 рақамида очилган “Nodir” номли, +99833-142-70-53 рақамида очилган “Nodir” номли, +99833-142-70-53 рақамида очилган иккита аккаунтлар орқали 2023 йил 10 июль кунидан бошлаб “Uzb sex videolar” номли, “Ferferolar” номли, “Karochi asnaqa” номли, “Uzbekcha Kekс 21+” номли ва “18+Video” номли “Telegram”



каналларига жами 1721 дона вояга етмаган шахслар тасвирланган порнографик мазмундаги видеоматериалларни тарқатган.

Судланган Н.А апелляция шикоятда, айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий шароитини, оилада ёлғиз боқувчи эканлигини инобатга олиб озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраган.

Апелляция инстанция суди, иш бўйича вилоят суди судьяси А.Омоновнинг маърузасини, прокурор С.Эрматовни суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш, ҳимоячи Б.Қодиров ва судланган Н.Анинг шикоятни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топди.

Н.Анинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир этганликдаги айби, ўзининг судда қилмишига иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, гувоҳ К.Назирова, С.Исроиловларнинг кўрсатмаси, кўздан кечириш ва ашёвий далил сифатида фойдаланиш учун кўчириб олиш тўғрисидаги баённома ва унга илова қилинган фотосуратлар, санъатшунослик экспертиза хулосаси, ашёни олиш ва кўздан кечириш ҳақидаги баённома ва унга илова қилинган фотосуратлар ҳамда жиноят ишидаги бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботланган.

Суд, иш тафсилотларини тўғри аниқлаб, Н.Анинг айби исботланганлиги ҳақида асосли хулосага келган ва унинг жиноий қилмишини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 130-моддаси 3-қисми билан тўғри квалификация қилган.

Апелляция инстанцияси суди, биринчи инстанция суди томонидан судланган Н.Ага жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори 3-бандидаги ЖКнинг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги, 26-бандидаги озодликдан маҳрум қилиш жазо тариқасида оғир жиноятлар содир этган шахсларга нисбатан қўлланилиши ҳақидаги тушунтиришларига риоя қилиб, илгари ҳам қасддан жиноят содир этиб қасддан янги жиноят содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб топиб, унинг шахси, қилмишига тўлиқ иқрор ва пушаймонлиги, оилавий шароити оғирлиги, эътиборга олиб, жазони енгиллаштирувчи ва жиноятни ижтимоий хавфлилигини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, унга нисбатан айбланган модда санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаб, асосли хулосага келингани сабабли, унинг енгиллик бериш ҳақидаги важлари билан келишмади.

Зеро, ЖКнинг 42-моддасига кўра, жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Суд қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асослар аниқланмади.

Шу сабабли, апелляция инстанцияси суди Н.Ага оид суд қарорини



Ўзгаришсиз, унинг ҳимоячиси билан биргаликдаги апелляция тартибидаги шикоятини эса қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Апелляция инстанцияси суди, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 485, 497²⁶, 497³¹, 497³⁶-моддаларига асосланиб,

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

█ га нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Боғдод туман судининг 2024 йил 20 августдаги ҳукми ўзгаришсиз, унинг апелляция шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Апелляция инстанцияси судининг ажрими устидан Фарғона вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят ёки протест берилиши мумкин.

Раислик қилувчи	/имзо/	Б.Мамажонов
Ҳайъат судьялари	/имзо/	Р.Зарипов
	/имзо/	А.Омонов
нусхаси аслига тўғри вилоят судининг судьяси		А.Омонов



Раислик қилувчи

Б.Мамажонов

Ҳайъат судьялари

Р.Зарипов

А.Омонов

Ҳужжат имзоланган: Омонов Абдоржон Алимжонович, 23.09.2024



Раислик қилувчи

Б.Мамажонов

Ҳайъат судьялари

Р.Зарипов

А.Омонов

Ҳужжат имзоланган: Омонов Абдоржон Алимжонович, 23.09.2024

